

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙМУРАТОВ ФАХРИДДИН ТОҒАЙМУРАДОВИЧ

**ТАРКИБИДА НИКЕЛЬ НАНОЗАРРАЧАЛАРИ БЎЛГАН
КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИНГ
ЭЛЕКТР ХУСУСИЯТЛАРИ**

**01.04.06 – Полимерлар физикаси
02.00.12-Нанофизика, нанокимё ва нанотехнология**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical - mathematical sciences**

Боймуратов Фахриддин Тоғаймурадович Таркибида никель нанозаррачалари бўлган композицион полимер материалларнинг электр хусусиятлари	3
Боймуратов Фахриддин Тоғаймурадович Электрические свойства композиционных полимерных материалов, содержащих наночастицы никеля.....	21
Boymuratov Fakhriddin Togaymuradovich Electrical properties of composite polymer materials containing nickel nanoparticles	39
Эълон қилинган ишлар рўйиҳати Список опубликованных работ List of published works	43

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙМУРАТОВ ФАХРИДДИН ТОҒАЙМУРАДОВИЧ

**ТАРКИБИДА НИКЕЛЬ НАНОЗАРРАЧАЛАРИ БЎЛГАН
КОМПОЗИЦИОН ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИНГ
ЭЛЕКТР ХУСУСИЯТЛАРИ**

**01.04.06 – Полимерлар физикаси
02.00.12-Нанофизика, нанокимё ва нанотехнология**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2. PhD/FM170 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдурахманов Умарбек**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Зайнабидинов Сирожиддин Зайнабидинович**
физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўз РФА академиги.

Холмуминов Абдулфаттоҳ Ахатович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100128, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси,7^б. тел. (+99871) 241-85-94, факс (+99871) 244-26-61, e-mail: polymer@academy.uz)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил:100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси,7^б. тел. (+99871) 241-85-94)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди
(2021 йил «__» _____ даги __ рақамли рестр баённомаси.)

С.Ш.Рашидова

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

М.М.Усманова

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби, к.ф.н., катта илмий ходим

С.С.Негматов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли хил соҳаларда кенг қўлланиладиган таркибида металл нанозаррачалари тутган махсус хоссаларга эга бўлган материаллар яратиш алоҳида ўрин эгаллайди. Бир жинсли бўлмаган тизимлар асосида таркибида металл нанозаррачалари тутган муҳим электр хусусиятларга эга композицион полимер материалларни яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда таркибида металл нанозаррачалари тутган бир жинсли бўлмаган материалларни яратиш ва хоссаларини тадқиқи қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу материалларнинг оқувчанлик чегараси соҳасида уларда заряд ташувчиларнинг электр ўтказувчанлик механизми ҳамда уларнинг электрофизик хоссаларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш, бундай тизимларда заряд ташувчиларнинг ўтказувчанлик ҳолатини тушунтирувчи энергетик модел яратиш, ҳамда бундай тизимларда чексиз кластер топологиясини аниқлаш ҳамда бундай муаммоларнинг ечимини топишда аниқ тасавурларга эга бўлиш зарур.

Республикамизда маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар яратишни ривожлантиришнинг илмий-амалий тадбиқига доир тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, рақобатбардош композицион полимер маҳсулотларни ишлаб чиқариш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...» бўйича вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, таркибида никель нанозаррачалари тутган композицион полимер материалларнинг электр ўтказувчанлигини, диэлектрик сингдирувчанлигини, иссиқлик ўтказувчанлигини ва термо-электр юритувчи кучлари металл микро- ва нано заррачалари миқдорига боғлиқ ҳолдаги янги материаллар яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ, 3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий уствор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» уствор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида таркибида металл нанозаррачалари тутган биржинсли бўлмаган материалларни олиш бўйича илмий изланишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чоп этилган нашрларнинг кўпчиллиги таркибида металл нанозаррачалари тутган бир жинсли бўлмаган материалларни электрофизик хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларнинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш бўйича илмий йўналишни ривожлантиришга Кособудский И.Д., Козинкин А.В., Афанасов М.И., Попова Н.А., Север О.В., Юрков Г.Ю., Губин С.П., Панкратов Д.А., илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган.

Республикамизда ушбу йўналиш ривожланишига Негматов С.С., Рашидова С.Ш., Ашуров Н.Р., Сарымсаков А.А., Атаханов А.А., Абдурахманов У., Умаров А.В ва бошқа ўз ҳиссаларини қўшишган.

Охириги йилларда адабиётларда чет эл олимларининг қатор ишлари пайдо бўлдики, уларда оқиш чегарасидан пастда таркибида (Fe; Ni) нано металл заррачалари бўлган бир жинсли бўлмаган материаллар (матрицаси керамика, полимер, шиша) ўтказувчанлигини перколяцион назария доирасида тушунтириб бўлмаслиги кўрсатилган. Ушбу муаммо яъни, таркибида металл нанозаррачалари тутган материалларни олиш ва улардан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириш бўйича I. Balberg, D. Azulay, D. Toker and O. Millo ва бошқа олимларнинг илмий ишларида етарлича муҳокама қилинганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда таркибида металл заррачаларининг ўлчами турлича бўлган моддаларнинг электрофизик хоссаларининг ҳолатини нанозаррачалар миқдорига боғлиқлигини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари кам олиб борилган. Ҳозирги вақтда бундай тизимлардаги электрофизик ўзгариш қонуниятларини етарлича таҳлил қилиш янги соҳалар истиқболларини юзага келтиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Миллий Университети илмий тадқиқот ишлар режасининг ОТ-Ф2-050 «Оқувчанлик чегараси соҳасида таркибида металл нанозаррачалари бўлган композит материалларнинг электрофизик хоссалари хусусиятлари» (2007-2011й), К-12-004

"Композицион наноматериаллар: таҳлили ва белгиланган физик хусусиятли элементлар олинishi" (2015-2017йй) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибида никель нанозаррачалари бўлган композицион полимер материалларни олиш, уларнинг оқувчанлик чегараси соҳасида электрофизик хусусиятларининг ўзгариш қонуниятларини ўрнатиш ва уларда заряд ташувчиларнинг электр ўтказувчанлик механизмини асослашдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари:

таркибида никель нано- ва микрозаррачалари бўлган композит полимер материаллар олиш;

олинган композитларнинг электр ўтказувчанлигини, диэлектрик сингдирувчанлигини, иссиқлик ўтказувчанлигини ва термо-электр юритувчи кучларини никель нано- ва микрозаррачалари миқдорига боғлиқлигини аниқлаш;

таркибида никель нано- ва микрозаррачалари бўлган композит полимер материалларнинг ўтказувчанлик механизмини тадқиқ қилиш;

чексиз кластер топологиясини металл заррачалари ҳажмий миқдорига боғлиқлигини аниқлаш;

энергетик модел таклиф этиш ва уларнинг амалда қўллаш мумкин бўлган соҳаларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти юқори ҳароратга чидамли бўлган C1 маркали фенилон ва DB102 маркали полиарилат, таркибида никель нано- ва микрозаррачалари бўлган композицион материаллар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети - таркибида никель нано- ва микрозаррачалари бўлган композицион полимер материалларнинг электрофизик хусусиятларини ўзгаришини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда электр, иссиқлик, кнетик ва электрон микроскоп усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор таркибида никель нано- ва микрозаррачалари тутган юқори ҳароратга чидамли композицион полимерларни олиш усуллари аниқланди;

илк бор таркибида никель нанозаррачалари тутган композицион полимер материалларнинг маълум критик концентрация соҳасида электр ўтказувчанлик, диэлектрик сингдирувчанлик, иссиқлик ўтказувчанлик ва термо электр юритувчи кучларнинг ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

илк бор таркибида никель нанозаррачалари бўлган композицион полимер материалларнинг электр ўтказувчанлик ва диэлектрик сингдирувчанлигида критик концентрация чегарасининг икки тури биринчиси (V_c) оқувчанлик чегарасида, иккинчиси (V_{cd}) оқувчанлик чегарасида, ўтказувчанликнинг туннел-боғланган биринчи чексиз кластер $V_{cd} < V_c$, соҳасида аниқланган ва асосланган;

таркибида никель нанозаррачалари бўлган композицион полимер материалларда заряд ташувчиларнинг электр ўтказувчанлик механизми тушунтирилган;

таркибида никель нанозаррачалари бўлган композицион полимер материалларда чексиз кластер топологияси аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

асосида юқори хароратга чидамли полимерларни тутган, нанокөмпозитларда оқувчанлик чегарасидан пастроқ соҳада диэлектрик синдирувчанликнинг юқори қийматли бўлиши, уларни элетротехника соҳасида янги материаллар сифатида ишлатишга имкон беради, шунингдек, улардаги термо электр юритувчи кучнинг нисбатан юқори қийматда бўлиши, уларни иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантирувчи элемент сифатида ишлатиш асосланган;

никель нанозаррачалари бўлган маҳаллий полиэтилен асосидаги полимер көмпозитлари ёнғин сигнализациеси учун иссиқлик детектори сифатида ишлатилиши мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг натижаларининг ишончилиги. Таркибида никель нанозаррачалари бўлган композицион полимер материалларни олиш бўйича олиб борилган тажрибалар замонавий физик-кимёвий усуллар ва математик таҳлиллар ёрдамида олинди. Иш бўйича хулосалар физикавий жараёнларнинг оптимал шароитларини аниқлашда ишлатиладиган усуллардан фойдаланган ҳолда олинган натижалар асосида қилинди. Олинган натижаларнинг тасдиғи сифатида республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокамалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, таркибида никель нанозаррачалари бўлган композицион полимер материаллар структурасининг энергетик модели кўрсатилган. Заряд ташувчиларнинг ўтказувчанлик механизми ҳақидаги тасавурларнинг ривожлантирилганлиги муҳим қонуният билан асосланган.

Тадқиқотда натижаларнинг амалий аҳамияти таркибида никель нано- ва микрозаррачалари бўлган полимер материалларни яратиш ва амалий мақсадларда ҳам фойдаланилиши мумкинлиги аниқланган. Ушбу материаллар асосида иссиқликдан хабар берувчи ва ёнғин сигналларини қабул қилувчи станциялар ҳамда хароратни ўзи чегараловчи хусусиятига эга бўлган электр иситувчи элементлар сифатида қўлланилиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида никель нано заррачалари бўлган композицион полимер материалларнинг электр хусусиятлари ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тошкент темир йўллар транспорти институтида бажарилган КА-12-004 рақамли “Элетротехника саноати учун полимер металл билан тўлдирилган көмпозит материалларни ишлаб чиқариш” мавзусидаги амалий лойиҳада таркибида металлзаррачалари тутган композицион полимер материалларда

борадиган жараёнларни тушунтиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 04 декабрдаги № 89-03-5080 – сон маълумотномаси). Натижада электротехника саноати учун яратилган полимер металл композит материалларни хоссаларини яхшилаш имконини берган;

нано композицион материалларнинг тузилиши ва заряд ташувчиларнинг ўтказувчанлик механизмларини тушунтириш учун натижалардан хорижий илмий мақолаларда фойдаланилган (ихтибослик қуйидаги хорижий илмий мақолаларда *Journal of Nanophotonics*, 2012, V.6(1), Springer, IF=1,889; *Russian Journal of General Chemistry*, 2020, T. 90, RG, IF=0,76; *Nanotechnologies in Russia*, 2015, v.10, Springer, IF=0,76). Таркибида нано ўлчамли заррачалари бўлган композит материалларни ва улардаги заряд ташувчиларнинг ўтказувчанлик механизми тушунтирилган. Натижада металл таркибли нанокомпозит материаллар олиш имконини берган;

таркибида никель нанозаррачалари тутган полиэтилен асосли композицион материал бўлган паст (~ 60⁰C) ҳароратларда иссиқликдан хабар берувчи датчиклар сигналларини қабул қилувчи станциялар яратилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги № 89-03-4892 сон маълумотномаси). Натижада лаборатория жараёнида ҳарорат датчикларини ва сигналларни қабул қилувчи станцияларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 7 халқаро ва 4 республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, жумладан 8 та республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари белгиланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Таркибида металл нано- заррачалари бўлган композицион полимер материалларнинг электрофизик хусусиятлари ва нано- заррачалар**” номли биринчи бобида таркибида металл нано- ва микро- заррачалари бўлган композит полимер материалларнинг электрофизик хоссалари бўйича, ҳамда бир жинсли бўлмаган тизимларда заряд ташувчиларнинг ўтказувчанлик механизмининг классик ва замонавий назарияси бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг “**Объект ва илмий тадқиқот усуллари**” номли иккинчи бобида таркибида металл нано- ва микро- заррачалари бўлган композицион полимер материалларни олиш усули, микро- ва нано металл заррачаларининг электр хусусиятларини ўрганиш, ҳамда ўлчаш усуллари тавсифланган.

Ўлчашлар учун икки хил композит тайёрланди. Бири – таркибида нано металл заррачалари бўлган металл-полимер композит. Иккинчиси – таркибида микро- металл заррачалари бўлган металл-полимер композитдир. Икала ҳолатда ҳам полимер матрица сифатида маркаси С1 бўлган фенилон ва маркаси DB 102 бўлган полиарилатдан фойдаланилди.

Юқори ҳароратга чидамли полимерларда никель формиатини термик парчалаш билан никель нано- заррачалари композит тайёрланди. Композитдаги никель нано- заррачаларининг ўлчами $d \approx 3...4$ нм га тенг эканлиги JEOLJEM 1011 маркали микроскопда, ёритувчи электрон микроскоп усулида аниқланди.

Нано- заррачаларнинг фазовий таркиби рентгенофазовий таҳлил орқали ДРОН-3 дифрактометрида аниқланди. Дифрактограмм таҳлили Ритвельд усули орқали ўтказилди, никель заррачалари иккита ҳолатда ҳам кубик тузилишга эга **Fm3m** (225) ва ушбу қийматларга $a = b = c = 3.524$ Е, $\alpha = \beta = \gamma = 90$, $V = 43.8$ тенг эканлигини кўрсатди.

Никель нано- заррачалари полимерларнинг аморф қисмларидаги “пустотах” жойларига жойлашган бўлиб, доимий локаллашган ва стабиллашган ҳолда бир-бирлари билан Ван-дер Ваальс кучлари орқали боғланган.

Таркибида микро- металл заррачалари бўлган металл-полимер композитни металл кукунини полимер билан планетар тегирмонда 7 соат давомида аралаштириш орқали олинди. Ушбу кукундаги микро- металл заррачаларининг дисаметри 1 мкм дан 3 мкм гача ораликда эканлиги BS 242 Е (Тесла) микроскопда, аниқланди.

Электр ўлчаш ишларини бажариш учун олинган композит намуналардан иссиқ преслаш усули билан диаметри ~15 мм ва қалинлиги ~2 мм бўлган таблеткалар тайёрланди. Қаршилиқларни ўлчашдаги хатолик ~1-7% ва ~ 2%, ни ташкил қилди.

Диссертациянинг “**Таркибида никелнинг нано- ва микро- заррачалари бўлган композит полимер материалларнинг электр ва иссиқликфизик хусусиятлари**” номли учинчи бобида таркибида металл нано- ва микро- заррачалари бўлган полимер материалларнинг электр ўтказувчанлиги,

диэлектрик сингдирувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги ва термо-э.ю.к. ларнинг заррачалар ҳажмий миқдорига боғлиқлиги ҳамда бу композитлар чексиз кластерларининг топологиясини ўрганишга бағишланган.

Фенилон асосидаги композицион материаллар учун электр ўтказувчанлигининг металлзаррачаларини ҳажмий миқдорига боғлиқлиги, ҳамда қуйида келтирилган назарий формулалардан фойдаланиб, оқувчанлик чегараси соҳасида ўтказувчанликнинг ҳисобланган натижалари 1-расмда кўрсатилган.

Фенилон асосли таркибида 3-4 нм ўлчамдаги никель нано заррачалари бўлган композитлар учун $V_c = 10,5$ ҳажмий % ва таркибида 1 дан 3 мкм гача ўлчамдаги никель микро заррачалари бўлган композитлар учун $V_c = 21$ ҳажмий % эканлиги аниқланган. Ҳисоблаш йўллари орқали заррачалар орасидаги масофалар никель заррачаларининг ҳажмий улуши орқали аниқланган. Олинган композитлардаги оқиш чегараси таркибидаги заррачалар орасидаги масофалар ва заррачаларнинг ўлчамининг ўзгаришига қараб тушунтирилган.


Ўрганилаётган иккала тур композицион материаллар учун назарий ва экспериментал натижалар орасидаги муносиблик $V_l > V_c$ ҳолатда кузатилиши 1-расмда кўрсатилган. $V_l < V_c$ ҳол учун назарий ва экспериментал боғланишлар орасидаги муносиблик фақат таркибида металнинг микро заррачалари бўлган композит материалларда аниқланган.

Таркибида нано металлзаррачалари бўлган композит материаллар учун V_c дан паст соҳаларда электр ўтказувчанликка қўшимча ҳисса мавжуд. Бу натижалар Балберг ва унинг ҳамкасблари таклиф этган, композитлардаги электр ўтказувчанлик модели асосида изоҳланган. Ушбу моделга асосан, композитлардаги металл заррачалар диэлектрик матрицада тасодифий тарзда тақсимланган, композитлар ўтказувчанлиги заряд ташувчиларнинг қўшни заррачалараро туннеллашуви каби бир-биридан узоқда жойлашган заррачалараро туннелланиши билан ҳам аниқланган. Макроскопик ўтказувчанликда бир - биридан узоқдаги заррачалар орасидаги туннеллашув ҳиссаси эътиборга олмасан бўладиган даражада кичик бўлса, перколяциявий ҳолат аниқланган.

Ушбу ҳолат заррачаларнинг радиуси b туннеллашув соҳаси параметри d дан сезиларли катта бўлганда ўринлидир. $b \sim d$ бўлган ҳолатда қўшни бўлмаган заррачалар орасида заряд ташувчиларнинг туннеллашуви қўшни заррачалар орасидаги туннеллашув қаторида макроскопик ўтказувчанликка ҳисса қўшади ва макроскопик ўтказувчанликнинг метал таркибли заррачалар концентрациясига боғлиқлиги классик перколяцион назария таълимотидан фарқ қилган.

Композицион материалларда ўтказувчанлик табиатининг ушбу икки турининг ҳосил бўлишида таркибида углерод нанотрубкалари бўлган полимер композитлар ва Ni нанозаррачалари бўлган керамик моддаларнинг ўтказувчанлигини ўрганиш орқали хулоса қилинган. Бизнинг ишда эса

Ўтказувчанликнинг ушбу икки тури таркибда микро- ва нано металл заррачалари бўлган полимер композитларда аниқланган.



1-расм. Таркибда нанозаррачалари (тўлдирилган нуқталар, 1-эгри чизик) ва микроразрачалари (бўш нуқталар, 2-эгри чизик) бўлган полимер материаллар учун металл заррачаларининг ҳажмий миқдори функцияси (V_1) сифатида ўтказувчанликнинг экспериментал (нуқта) ва назарий (чизик) катталикларини таққослаш.

Аниқланишича қўшни бўлмаган заррачаларо заряд ташувчиларнинг туннеллашувининг электр ўтказувчанликка қўшиладиган ҳиссасига қараб, композитларда иккита перколяциявий чегара мавжуд бўлиши кўрсатилган. Улардан бири V_1 нинг юқори қийматларда кузатилади, ва у юқорида аниқланган перколяциявий чегара V_c нинг айнан ўзи аниқланган. Бошқаси (қўшимча перколяция чегара V_{cd}) V_1 нинг кичик қийматларда кузатилиб, у туннелли-боғланган ўтказгичлардан ҳосил бўлувчи дастлабки чексиз кластерини намоён этган металл заррачаларининг критик ҳажмий миқдорининг айнан ўзи асосланган. Таркибда никель нано заррачалари бўлган полимер материал учун $V_{cd} = 0,05$ эканлигини аниқланган.

Композицион полимер материалларнинг диэлектрик сингдирувчанлиги ϵ нинг концентрацион-частотавий боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, ϵ нинг частотага (f) боғланишида 20 дан 10^3 Гц частоталар орасида икки хил соҳа аниқланган. Паст ($20 \div 200$ Гц) частоталарда композитларнинг диэлектрик сингдирувчанлиги ϵ сезиларли камайди, f частотанинг 10^3 Гц гача ошиши эса ϵ нинг f га монотон сусйиши аниқланди. Композитлардаги ϵ нинг $20 \div 200$ Гц орасида сезиларли камайиши Максвелл-Вагнернинг конденсатор модели ёрдамида асосланган.


ϵ нинг назарий йўл билан олинган қиймати қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаб чиқарилган

$$\epsilon(V) = \epsilon_d (V_c - V_1/V_c)^{-q}, \quad (1)$$

бу ерда, ϵ_d - полимернинг диэлектрик сингдирувчанлиги. Бу ҳисоблашларда σ нинг V_1 га экспериментал боғланишларидан олинган V_c нинг қийматлари келтирилган.

2-расмдан кўриниб турибдики, таркибида металнинг микроррачалари бўлган композит учун (1) ифода бўйича ҳисоблаб топилган қиймати тажриба йўли билан олинган қийматига мос тушади. Таркибида металл наноэррачалари бўлган композит учун ϵ нинг V_1 га экспериментал боғлиқлиги формула билан ҳисобланган боғлиқлик билан мос тушмайди ва оқувчанлик чегарасидан пастда ётувчи V_1 да ϵ га қўшимча ҳиссаси аниқланган.

Оқувчанлик соҳаси атрофида ϵ нинг кескин ошиб кетишини тушунтирилиши ва композитлардаги электр хусусиятлари билан боғланган фазовий “иерархик” соҳанинг физик хоссаларига асосланиб, ўрганилаётган тегишли композит материаллар учун V нинг эгри чизикларини ўхшашлигини ҳисобга олсак, таркибида никель наноэррачалари бўлган композитларнинг электрўтказувчанлиги σ ва диэлектрик сингдирувчанлигининг ϵ боғлиқлик интерпретацияси таклиф қилинган.



2-расм. Таркибида наноэррачалар (тўлдирилган нуқталар, 1-эгри чизик) ва микроррачалар (бўш нуқталар, 2-эгри чизик) бўлган полимер материаллар учун металл заррачаларининг ҳажмий қиймати функцияси (V_1) сифатида диэлектрик сингдирувчанликнинг экспериментал (нуқта) ва назарий (чизик) катталаикларини таққослаш.

Композитларнинг термо-э.ю.к. лари қийматларининг микро- ва нано металл заррачалари концентрациясига боғлиқлиги аниқланган. Ўрганилган композитларнинг термо-э.ю.к. лари заррачаларнинг ҳажмий миқдорига боғлиқлиги аниқ ифодаланган критик характерга эга бўлиб, оқиш назарияси доирасида асосланган.

Маълумки, оқиш назарияси усуллари қаршилик тўри топологияси (чексиз кластер топологиясини)ни ўрганиш имкониятини берди. $P(V_1)$, ЧК зичлиги, ЧК га тегишли (V_1'), склет ва склетда (V_1'') қатнашмайдиган учларининг ҳажмий миқдорлари (V_1'''), ҳамда уларнинг бундай системадаги

металл заррачаларининг ўлчамларига боғлиқлиги $\frac{z}{R}$ аниқланди. Таркибида нано метал заррачалари бўлган композитларда оқиш чегараси яқинида чексиз кластерлар, таркибида микро- заррачалари бўлган композитларга қараганда кўпроқ эгрилиги кўрсатилган.

Жадвал

Таркибида никель нанозаррачалари бўлган композитларнинг V_1 ҳажмий микдорига боғлиқ параметрлари V_1' ; $\frac{z}{R}$; V_1'' и V_1''' ;

№	V_1	V_1'	$\frac{z}{R}$	V_1''	V_1'''
1	0,12	0,023	7,7	$2,1 \cdot 10^{-5}$	$2,29 \cdot 10^{-2}$
2	0,13	0,031	6,0	$6,5 \cdot 10^{-5}$	$3,09 \cdot 10^{-2}$
3	0,16	0,052	4,0	$4,1 \cdot 10^{-5}$	$5,19 \cdot 10^{-2}$
4	0,20	0,082	3,1	$1,8 \cdot 10^{-5}$	$8,19 \cdot 10^{-2}$
5	0,23	0,106	2,7	$3,7 \cdot 10^{-3}$	$1,02 \cdot 10^{-1}$
6	0,3	0,163	2,1	$1,2 \cdot 10^{-3}$	$1,6 \cdot 10^{-1}$
7	0,4	0,257	1,7	$3,2 \cdot 10^{-2}$	$2,2 \cdot 10^{-1}$
8	0,45	0,307	1,6	$6,0 \cdot 10^{-2}$	$2,4 \cdot 10^{-1}$
9	0,5	0,360	1,5	$8,9 \cdot 10^{-2}$	$2,7 \cdot 10^{-1}$

Шундай қилиб, юқорида айтилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, перколяция соҳаси атрофида скелетнинг ЧК га тегишли ҳажмий қисми V_1'' ЧКнинг умумий ҳажмининг аҳамиятсиз қисми бўлиб, бу қисмининг асосий қисми ўлик нуқталарда тўпланган V_1''' . Таркибида никел нанозаррачалари бўлган композитлардаги перколяция чегараси яқинида чексиз кластер юқори дисперсли заррачаларни ўз ичига олган композитларга нисбатан анча юқори бўлади. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, дисперсия қанчалик баланд бўлса, бундай композитлардаги чексиз кластер юқори даражада эгришалиб ортиб бориши аниқланган.

Диссертациянинг “**Таркибида никелнинг нанозаррачалари бўлган композит полимер материалларнинг ўтказувчанлик механизми табиати**” номли тўртинчи боби таркибида никель нано- ва микрозаррачалари бўлган композицион полимер материалларда заряд ташувчиларнинг электр ўтказиш механизмини ўрганишга бағишланган.


Таркибида нано металлзаррачалари $V_1 < V_c$ бўлган оралиғида температура ошиши билан композитлар ҳажми деярли ўзгармай қоладиган ячейкада, ўтказувчанликнинг температурага экспериментал боғлиқлиги 3-расмда кўрсатилган. Бундай системаларда электр ўтказувчанликнинг температурага боғлиқлигининг табиатини тушуниш учун уларнинг структурасини ўрганиш

зарур. Физик нуқтаи назардан, таркибида металл нанозаррачлари бўлган полимер композитларнинг шаклланиш жараёнини легирланган компенсирланган ярим ўтказгичларга ўхшаш ҳолда дастлабки диэлектрикни металл нанозаррачалари билан легирлаш натижаси сифатида қараш мумкин. Бу полимернинг тақиқланган зонасида киришмавий сатҳларга хос бўлган электрон ҳолат юзага келиши кўрсатилган. Металл нанозаррачаларининг ҳажмий миқдорини ошириши уларнинг концентрациясигагина эмас, ўлчамлари бўйича тақсимланишига ҳам таъсир этиши аниқланган.

Агар ушбу тасаввур тўғри бўлса, у ҳолда бундай системаларда ўтказувчанлик механизми сакровчан бўлиб, уларнинг температуравий боғлиқлиги қуйидаги тенглама ёрдамида ифодаланган

$$\sigma = \sigma_0' \exp [-(T_0/T)^x], \quad (2)$$

бу ерда, $x = n+1/n+d+1$, $g(\varepsilon) = g_0(\varepsilon - \varepsilon_F)^n$ - локаллашган ҳолат зичлиги, ε_F – Ферми сатҳи, d - фазо ўлчами. (2) –ифоданинг қўлланилишини текшириш учун одатда $Lg\sigma \sim T^{-x}$ координатада σ нинг T га боғланишлари олинган. 3-расмдан кўринишича, σ нинг T га чизикли боғланишига фақатгина $Lg\sigma \sim T^{-1/2}$ координаталарида эмас, балки $Lg\sigma \sim T^{-1/3}$ ва $Lg\sigma \sim T^{-1/4}$ кординаталарда ҳам эришиш мумкинлиги аниқланган. Композит материалларда (2) тенгламадаги x ни аниқлаш учун ўтказувчанликнинг келтирилган фаоллик энергиясининг температуравий боғлиқлигини таҳлил қилиш усулидан фойдаланилган.



3-расм. Фенилон асосли композицион полимер материаллар электр ўтказувчанлигининг (σ) температуравий боғлиқлиги. Композитда нанозаррачалар ҳажмий миқдори: 1- 0,067; 2- 0,080 ва 3- 0,088. 1-3 графиклар $Lg \sigma - 10^3/T$ координаталарда тузилган. 2- намуна учун берилганлар $Lg \sigma - T^{-1/4}$ (4), $Lg \sigma - T^{-1/3}$ (5) и $Lg \sigma - T^{-1/2}$ (6) координаталарда тасвирланган.

А.Л.Забродскийнинг илмий ишларида x ни аниқлаш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган:

$$lg\omega = B - xlgT, \quad \omega = 1/T \cdot \partial lg\sigma / \partial T^{-1} = \partial lg\sigma / \partial T, \quad (3)$$


бу ерда, $V = \text{const}$, ω -ўтказувчанликнинг келтирилган фаоллик энергияси.

3 - расмда келтирилган чизмаларни $Lg\sigma - LgT$ координаталарда график тарзида дифференциаллаш билан олинган, келтирилган ω фаоллик энергиясининг температуравий боғланиши 4-расмда келтирилган. Ушбу маълумотларга кўра, бизнинг ишимизда олиб борилган температуралар интервалида учта турлича температуравий боғланишга эга эканлиги – юқори (I), қандайдир ўтиш соҳаси (II) ва паст температурали (III) билан ажратилган соҳалар мавжудлиги аниқланган.

4 – расмда юқори ҳароратли $T \geq T_a$ соҳада (a чизманинг ўнг томони) $x \approx 1$ учун $\sigma(T)$ нинг экспоненциал қонунига мос келадиган $Lg\omega$ нинг LgT га чизиғий боғланиш соҳаси мавжуд:

$$\sigma = \sigma_0 \exp(-\Delta\varepsilon/KT) \quad (4)$$

Олинган натижаларимизга кўра, (2) ифода ўтказувчанликнинг фаоллик энергиясига $\Delta\varepsilon$ эга бўлган ўтказувчанлик учун мос келади ва унинг қиймати ҳароратнинг T_a дан (a - эгри чизиқдан ўнгда) 450 К гача оралиғида ўзгаришсизлиги аниқланган.



4-расм. Композицион полимер материаллар ўтказувчанлигининг келтирилган фаоллик энергияси ω нинг ҳароратга боғлиқликлари. Композитдаги тўлдирувчининг ҳажмий миқдори:
1- 0,067; 2- 0,080 ва 3- 0,088.

4-расмда паст $T \leq T_c$ ҳароратларда (c – эгри чизиқдан чапда) текширилади $x \approx 0,5$ бўлгандаги $\sigma(T)$ нинг экспоненциал қонунига мос бўлган $Lg\omega$ нинг LgT га чизиқли боғлиқлиги кузатилди. Бу ўзгарувчан фаоллиниш энергиясига эга бўлган ўтказувчанлик учун (2) тенгламанинг хусусий ҳолига мос келган.

$$\sigma = \sigma_0'' \exp[-(T_0 / T)^{1/2}] \quad (5)$$

Предложена и обоснован энергетическая модель структуры, объясняющая поведение проводимости носителей заряда, в композиционных полимерных материалах, содержащих наночастицы металлов.

Диссертациянинг илова қисмида ишлаб чиқилган композитларнинг амалиётда жумладан, иссиқликдан хабар берувчилар, ҳамда температурани ўзи чегараловчи самарага эга электр иситиш элементлари сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати олдига иссиқликдан хабар берувчиларни ишлаб чиқиш ва яратиш вазифаси қўйилди, чунки иссиқликдан хабар берувчиларнинг маълум қисмини хизмат муддати тугаши муносабати билан алмаштириш талаб этади. Таркибида нано металл заррачалари бўлган полимерлар асосида етарлича паст ($\sim 65^{\circ}\text{C}$) чегараларда ишлаб кетадиган иссиқлик хабар берувчилар тайёрланди уларнинг тажриба намунаси ва методикасини ишлаб чиқилган. Иссиқликдан хабар берувчилар ва уларни қабул қилиш станциялари учун меъёрий-техник ва лойиха-конструкторлик ҳужжатлари тузилган.

Ушбу илмий-тадқиқот ишининг сўнгида таркибида нанометалл заррачалари бўлган полимер материаллар асосида:

- Радиоэлектроника ва ўта юқори частота техникаси соҳасида фойдаланиш учун диэлектрик сингдирувчанлиги юқори қийматга эга бўлган элементларни;
- Иссиқлик энергиясини электр энергияга айлантириб берувчи сифатида фойдаланиш учун термо-э.ю.к. нинг юқори қийматига эга бўлган элементларни олиш йўллари кўриб чиқилган.

ХУЛОСА

«Таркибида никель нано заррачалари бўлган композицион полимер материалларнинг электр хусусиятлари» мавзусида фалсафа доктори (phd) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Композицион полимер материалларнинг электр ўтказувчанлиги, диэлектрик сингдирувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги ва термо-э.ю.к. нинг никель нано- ва микро заррачаларининг ҳажмий миқдорига боғлиқлик қонуниятлари асосланган.
2. Биринчи марта айнан бир хил таркибдаги, аммо металнинг турли ўлчамли заррачаларига эга бўлган композицион полимер материалларда икки турдаги перколяцион соҳа аниқланган. Улардан бири оқувчанликнинг классик назарияси таъкидлайдиган V_c қийматларда кузатилди, иккинчиси V_{cd} туннел – боғланган ўтказгичлардан ҳосил бўладиган биринчи чексиз кластерини намоён этувчи $V_{cd} < V_c$ да кузатиладиган перколяцион чегара V_{cd} дир.
3. Ўтказувчанликнинг 100 дан 450 К гача оралиғидаги температуравий боғлиқлигини ўлчаш орқали ва ушбу боғлиқликни ўтказувчанликнинг келтирилган фаолланиш энергияси чегараларида қилинган таҳлили натижасида таркибида Ni металнинг нанозаррачалари бўлган полимер материалларда классик перколяцион чегарадан паст сатҳда, юқори

температурали ($T \geq T_a$) соҳаларда ва нисбатан паст температураларда ($T \leq T_c$) соҳаларда заряд ташувчиларнинг туннеллашуви натижасида юзага келди.

4. Металлнинг нанозаррачаларига эга бўлган полимер материалларнинг физик хоссаларини тушунтирувчи структуранинг энергетик модели таклиф этилган.
5. Структурани, яъни электр ўтказувчан полимер материаллар чексиз кластери ЧК топологиясини ўрганиш учун оқувчанлик назариясини қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган. Бундай системаларда зичлик, ҳажмий миқдор, эгри чизиқлар, скелет ва ЧК скелетда қатнашмайдиган учларининг метал нанозаррачалари ҳажмий миқдорининг ўлчамига боғлиқлиги аниқланган.
6. Маҳаллий полиэтилендан фойдаланиб, таркибида никель нанозаррачалри бўлган иссиқликка чидамли полимерлар асосида олинган композитларнинг амалда фойдаланиш мумкин бўлган бир қанча соҳалари аниқланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSC.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

БОЙМУРАТОВ ФАХРИДИН ТОҒАЙМУРАДОВИЧ

**ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА КОМПОЗИЦИОННЫХ
ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ, СОДЕРЖАЩИХ
НАНОЧАСТИЦЫ НИКЕЛЯ**

**01.04. 06 -Физика полимеров
02.00.12-Нанохимия, нанофизика и нанотехнология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.2. PHD/FM170.

Диссертация выполнена в Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Абдурахманов Умарбек**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Зайнабидинов Сирожиддин Зайнабидинович**
доктор физико-математических наук, профессор, академик АН РУз.
Холмуминов Абдулфаттох Ахатович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в __ часов на заседании Научного Совета DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 при Институте химии и физики полимеров. (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул.АбдуллаКадыри, 7^Б. Тел.: (+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров АН РУ за №__ (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул.А.Кадыри, 7^Б. Тел.: (+99871)241-85-94).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(Протокол рассылки № __ от ____ 2021 года).

С.Ш.Рашидова
Председатель разового Научного совета по присуждению
учёной степени, д.х.н., профессор, академик

М.М.Усманова
Учёный секретарь разового Научного совета
по присуждению ученой степени,
к.х.н., старший научный сотрудник

С.С.Негматов
Председатель разового научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется большое внимание исследованиям в области создания материалов со специальными и практически важными электрофизическими свойствами на основе гетерогенных материалов, содержащих наночастицы металлов, вследствие уникальных физических характеристик этих соединений, существенно отличных от свойств соответствующих компактных материалов, широко используемых в различных областях. Гетерогенные системы, среди которых перспективны электропроводящие полимерные материалы, содержащие наночастицы металлов, имеют большой прикладной потенциал.

На сегодняшний день в мире активно проводятся научные исследования, направленные на создание гетерогенных материалов, содержащих нано- и микрочастицы металлов. В то же время область их практического применения довольно ограничена; закономерности изменения электрофизических свойств и механизма электропереноса носителей заряда в окрестности порога протекания однозначно не установлены. Не ясна энергетическая модель структуры, объясняющая поведение проводимости носителей заряда, а также не изучена топология бесконечного кластера в таких системах. Решение этих вопросов открыло бы возможности для получения более ясных представлений о структуре и механизме переноса носителей заряда в композиционных полимерных материалах, содержащих наночастицы металлов, а также для определения возможной области их практического использования.

В Республике Узбекистан уделяется большое внимание ускоренному развитию науки и техники, созданию материалов нового поколения. Среди таких материалов важнейшее место занимают новые типы полимерных материалов. Формирование нанокристаллов в матрице исследуемых материалов позволит изготавливать на их основе различные изделия для энергетики, машиностроения, а также проведению фундаментальных исследований в этом направлении на мировом уровне. В Стратегии² действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены задачи по «...производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местного сырья...». Фундаментальные исследования электрофизических свойств полимерных композиционных материалов, содержащих наночастицы никеля, имеют большое значение и могут стать базой для развития науки в нашей стране и широкого внедрения ее достижений.

Исследования, проведенные в данной диссертационной работе, соответствуют задачам, предусмотренным в Указах Президента

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 г.

Республики Узбекистан № УП–4512 от 1 марта 2013 года «О мерах по дальнейшему развитию альтернативных источников энергии», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП–2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», № ПП-4805 от 2020 года 12 августа «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии» а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением науки и технологии республики: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира экспериментальные и теоретические исследования по изучению электрофизических свойств гетерогенных материалов, содержащих наночастицы металлов, проводят такие известные зарубежные ученые, как Кособудский И.Д., Козинкин А.В., Афанасов М.И., Попова Н.А., Север О.В., Юрков Г.Ю., Губин С.П., Панкратов Д.А., Кокшаров Ю.А., Спичкин Ю.И., Недосейкина Т.И., Пирог И.В., Власенко В.Г., и другие.

В нашей республике исследования в этой области также ведут ряд известных ученых, в том числе: Негматов С.С., Рашидова С.Ш., Ашуров Н.Р., Сарымсаков А.А., Атаханов А.А., Абдурахманов У., Умаров А.В., и другие специалисты.

В последние годы появился ряд публикаций зарубежных ученых, в которых показано, что ниже перколяционного порога поведение проводимости неоднородных материалов (матрицами являются керамика, полимеры, стекло), содержащих наночастицы металлов (Fe: Ni), не может быть объяснено в рамках перколяционной теории. Эта проблема детально обсуждена в обзорной статье Balberg и др. в [I. Balberg, D. Azulay, D. Toker and O. Millo, “Percolation and Tunneling in Composite Materials,” Int. J.Mod. Phys. B, 18, 2091-121 (2004)]. В этой статье проанализированы результаты последних 30 лет исследований проводимости неоднородных материалов, содержащих микро- и нанопроводящие частицы; поведение проводимости композитов, содержащих наночастицы металлов, обсуждается в понятиях пространственно-структурной иерархической модели, т.е. объяснено образованием туннельно-связанных проводников.

В то же время до настоящего времени все еще отсутствуют экспериментальные результаты, однозначно подтверждающие данное предположение, а также не установлены закономерности изменения

электрофизических свойств в таких материалах в зависимости от содержания нанодисперсного наполнителя.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских проектов Национального Университета Узбекистана, фундаментального проекта ОТ-Ф2-050 на тему: «Особенности электрофизических свойств композитных материалов, содержащих наночастицы металлов в окрестности порога протекания» (2007-2011гг.) и прикладного проекта К-12-004 на тему: "Композиционные наноматериалы: синтез и разработка элементов с заданными физическими свойствами"(2015-2017 гг.).

Цель исследования заключается в установлении закономерностей поведения электрофизических свойств композиционных полимерных материалов, содержащих наночастицы никеля, в области порога протекания, выяснение механизма электропереноса носителей заряда в них, а также определения возможной области их практического использования.

Задачи исследования:

разработка композиционных полимерных материалов, содержащих нано- и микрочастицы никеля;

исследование концентрационной зависимости электропроводности, диэлектрической проницаемости, теплопроводности и термо-ЭДС разработанных композитов от содержания нано- и микрочастицы никеля;

